

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДЕХҚОНОВ АЗИЗ ТОШПЎЛОТОВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ТИЗИМЛИ
ЯЛЛИҒЛАНИШ СИНДРОМИ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН ЖАРОҲАТ
ИНФЕКЦИЯСИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Дехқонов Азиз Тошпўлотович

Қандли диабет билан оғриган беморларда тизимли яллиғланиш синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясининг маҳаллий даволаш усулларини такомиллаштириш 3

Дехқонов Азиз Тошпулотович

Совершенствование местного лечения раневой инфекции, осложненной системным воспалительным синдромом, у больных сахарным диабетом 25

Dekhkonov Aziz Toshpulotovich

Improvement of local treatment of wound infection complicated by systemic inflammatory syndrome in patients with diabetes mellitus 47

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works..... 51

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДЕХҚОНОВ АЗИЗ ТОШПЎЛОТОВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ТИЗИМЛИ
ЯЛЛИҒЛАНИШ СИНДРОМИ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН ЖАРОҲАТ
ИНФЕКЦИЯСИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2531 рақам билан га олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Хамдамов Бахтиёр Зарифович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Гуламов Олимжон Мирзахитович тиббиёт фанлари доктори Левчик Евгений Юрьевич тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)
Етакчи ташкилот	Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «13» ИЮЛ кунни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 067 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2023 йил «26» ИЮН кунни тарқатилди.
(2023 йил «26» ИЮН даги 38 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signatures in blue ink]

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.М. Абдурахманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги эллик йил ичида қандли диабет тарқалишининг барқарор ўсиши қайд этилмоқда. Ушбу тенденция саноати ривожланган мамлакатлар учун жуда характерли бўлиб қолмоқда, бунда юрак ишемик касаллиги, семириш ва метаболик синдром билан бир қаторда қандли диабет 5% дан 10% гача қайд этилган. Юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликларини даволаш муаммоси, инсониятнинг бутун тарихи давомида долзарб бўлиб қолган ҳолда, қандли диабет билан касалланишнинг юқори учраш частотаси шароитида, ҳам клиник ҳам ижтимоий жиҳатдан тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олимлар томонидан узоқ вақтлардан бери қандли диабет билан касалланган беморларда жароҳатнинг кечиш жараёнига таъсир қилувчи патогенетик омиллар ўрганилган. Тадқиқотлардан кўриниб турибдики, «... организмда жароҳат инфекцияси жараёнининг кечиши кўплаб эндоген, экзоген омиллар таъсирида организмнинг хилма-хил биологик реакцияларининг динамик алмашинуви билан кечади, бу эса жароҳатнинг битишига ёки турли асоратлар ривожланишига олиб келмоқда...»¹. Қандли диабет жароҳат инфекцияси жараёнини ривожлантириш учун қулай шароит яратиши исботланган бўлиб, шу билан бир вақтда, йирингли некротик жараённинг ўзи инсулин етишмовчилигининг депрессияси ва шунга мос равишда метаболик ацидознинг ривожланишига сабаб бўлиш орқали қандли диабетнинг кечишига салбий таъсир қилади. Шундай қилиб, касалликнинг тажовузкор томонларини кучайтирувчи муносабатлар шаклланади. Прогрессияланувчи метаболик ацидоз шароитида йирингли-яллиғланиш жараёнининг кечиши, кўпинча инфекциянинг тезлаштирилган генерализацияланиши билан асоратланади. Тананинг иммун тизимини «тартибсиз» жалб қиладиган тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар орасида касалликларга эрта ташҳис қўйиш, уларнинг асоратларининг частотасини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Ушбу режада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг вазифалари белгилаб берилган. Қандли диабет фонида юмшоқ

¹ Прошин А.В., Сулиманов Р.А., Завалий И.П., Ребинок А.В. Процессы репаративной регенерации в гнойных ранах при местном сочетанном лечении физическими методами и биологически активными материалами // Вестник НовГУ. 2017. №3 (101).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

тўқималарнинг жарроҳлик инфекцияси бўлган беморларни даволашнинг натижаларини яхшилаш, самарали даволаш комплексларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга асосланган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон Фармони, 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сон Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4887-сон қарори, 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4891-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда, қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат жараёнининг ривожланишининг патогенетик омилларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда ва бу муаммонинг юқори долзарблигини аниқлаб беради (Бенсман В.М., 2019; Сафоев Б.Б., 2021).

Қандли диабет билан касалланган беморларда жароҳат инфекциясининг регенератив жараёнларининг чўзилувчан давом этиши, тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ва сепсис ривожланишининг бошланғич асоси бўлиб ҳисобланади, бу кўпинча касалхонада даволаниш даврининг давомийлигини камайтиришга имкон бермайди (Дедов И.И., 2017; Тешаев О.Р., Муродов А.С., 2020). Жароҳат жараёнининг кечишини ҳам, инфекциянинг юзага келиши мумкин бўлган генерализацияланишининг умумий кўринишларини ҳам доимий назорат қилиш талаб этилади. Бу ўз навбатида ётоқ-кунларининг кўпайишига ва касалхона ичи инфекцияси хавфининг юқори бўлишига олиб келади. Ушбу муаммонинг ҳал қилиниши яллиғланиш жараёнининг босқичларини баҳолашнинг объектив усулларига асосланган, жароҳатларнинг маҳаллий даволаш усулларини оптималлаштириш орқали мумкин бўлиб ҳисобланади (Блатун Л.А., 2019; Liu L., 2021; Охунов А.О., 2018).

Ўзбекистонда сўнги йилларда бажарилган тадқиқотларнинг муаллифларининг фикрига кўра, тизимли яллиғланиш реакция синдроми билан асоратланган қандли диабет фонида юмшоқ тўқималарнинг жарроҳат инфекцияни бўлган беморларни маҳаллий даволашда патогенетик ёндашув зарурлиги таъкидланган (Бабаджанов Б.Д., 2021; Сафоев Б.Б., 2022; Матмуродов Қ.Ж., 2022).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2022.PhD.164) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш» (2022-2026 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қандли диабет билан касалланган беморларда, жароҳат жараёнига маҳаллий таъсирнинг патогенетик жиҳатдан асосланган усулларини танлашга ёндашувларни оптималлаштириш орқали тизимли яллиғланиш синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини даволаш натижаларини такомиллаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини даволашнинг анъанавий усуллари қониқарсиз натижаларининг сабабларини таҳлил қилиш ва аниқлаш;

жароҳат инфекциясини тажрибавий моделлаштиришнинг турли хил вариантларида жароҳат жараёнида клиник-лаборатор, морфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг хусусиятларини аниқлаш;

қандли диабетнинг тажрибавий модели фонида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясининг босқичларини ташҳислашнинг янги усулини ишлаб чиқиш ва ишонарлилигини асослаш;

қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясининг маҳаллий даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида қандли диабет фонида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекцияси билан касалланган 246 беморни 2011 йилдан 2022 йилгача Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида комплекс текшириш ва даволаш маълумотлари олинган; Шунингдек 280 нафар оқ зотсиз каламушлар ўрганилган.

Тадқиқот предмети сифатида беморларнинг умумий ва маҳаллий клиник статуси, қоннинг лаборатор кўрсаткичлари, шу жумладан цитокин профили, яллиғланиш реакцияси маркёрлари, жароҳатнинг морфометрик излари, жароҳатнинг биопсион материали, жароҳат экссудати олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида клиник, иммунологик, гематологик, биокимёвий, морфологик, микробиологик, планиметрик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жароҳат инфекцияси тажрибавий моделлари бўлган ҳайвонларда яллиғланишни қўлловчи цитокинларнинг яллиғланиш жараёни ва давомийлигини фарқлаш мезонлари сифатида муҳим ўрни аниқланган;

қандли диабет билан оғриган беморларда тизимли яллиғланиш синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини даволаш натижаларини

баҳолашнинг ишлаб чиқилган усули даволаш натижаларини ҳамда патологик жараённинг кечишини объективлаштириши исботланган;

қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат жараёнининг босқичини ташҳислаш учун ишлаб чиқилган такомиллаштирилган усулни қўлланилиши жароҳат жараёнининг босқичини ташҳислаш имконини берган;

қандли диабет фонида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини оптимал маҳаллий даволашнинг такомиллаштирилган усули асосида даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

қандли диабет билан оғриган беморларда тизимли яллиғланиш синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини маҳаллий даволаш учун ишлаб чиқилган даволаш алгоритмидан фойдаланиш яхши ва қониқарли даволаш натижаларини мос равишда 20,5% ва 35,8% га ошириш имконини берган. Шунингдек, қониқарсиз даволаниш натижалари кузатилган ҳолатлар сони 28,1% га камайган ва беморларнинг асосий гуруҳида ўлимга олиб келадиган ҳолатларни олди олинган.

далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига ёндашиб ўтказилган таҳлиллар натижалари, тадқиқотларнинг сезгирлиги ва спецификлиги мезонларини асослаб берилган, бу ўз навбатида операциядан кейинги асоратларни башорат қилишда янада самарали натижадорликка эришишга кўмаклашган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қандли диабет билан оғриган беморларда тизимли яллиғланиш синдроми билан асоратланган жароҳат жараёнининг босқичини ташҳислаш мақсадида ишлаб чиқилган такомиллаштирилган усулдан фойдаланиш, яллиғланиш жараёнининг генерализацияланишининг ривожланишини ташҳислаш ва жароҳат инфекциясини даволаш усулини аниқлаш имконини берган.

қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини маҳаллий даволаш учун ишлаб чиқилган янги даволаш-ташҳисот алгоритмининг жорий этилиши яхши ва қониқарли даволаш натижаларини кўпайтириши, даволаш натижаларининг қониқарсиз бўлган ҳолатлар сонини камайтириши ва беморларнинг асосий гуруҳида ўлимга олиб келадиган ҳолатларнинг олдини олиш имконини бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларда замонавий бир-бирини тўлдирувчи умумклиник, клиник-лаборатор, иммунологик, гематологик, биокимёвий, морфологик, микробиологик, планиметрик ва статистик усуллардан, шунингдек текширилаётган беморларнинг етарли сонидан фойдаланилганлиги, даволаш - ташҳисот алгоритмларининг такомиллаштирилиши, статистик таҳлил усулларининг асосланган тўплами, шунингдек уларни тўғри қўллаш билан тасдиқланган. Хулоса ва олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қуйидагилар билан асосланади: қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли

яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини даволаш натижаларини баҳолашнинг ишлаб чиқилган усули, даволашнинг натижаларини ҳам, патологик жараённинг кечишини ҳам объективлаштиришга имкон берган; қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат жараёнининг босқичини ташхислашнинг янги усули ишлаб чиқилган бўлиб, жароҳат жараёнининг босқичини ташхислаш, яллиғланиш жараёнининг генерилазацияланиш эҳтимолини башорат қилиш, жароҳат инфекциясини маҳаллий даволашнинг мақбул усулини танлаш имконини берган; қандли диабет фониде тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясининг оптимал маҳаллий даволашнинг ишлаб чиқилган янги усули жароҳатнинг аниқ қадамларини белгилаб берувчи даволаш-ташхисот алгоритмига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қандли диабет фониде тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясига чалинган беморларни даволашда ишлаб чиқилган даволаш-ташхисот алгоритми ҳамда маҳаллий даволашнинг оптимал, такомиллаштирилган усулидан фойдаланиш даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини маҳаллий даволаш усулларини оптималлаштиришни ўрганиш натижаларига кўра:

«Қандли диабет ва тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми бўлган тажрибавий ҳайвонларда жароҳат жараёни босқичларининг ташхисот мезонларини ишлаб чиқиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 9 ноябрдаги 8н-р/1253-сонли хулосаси). Унда қандли диабет ва тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми бўлган лаборатория ҳайвонларида жароҳат жараёнининг босқичининг ташхисот мезонлари кўрсатилган.

Қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини маҳаллий даволаш усулларини оптималлаштириш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази йирингли жарроҳлик бўлими ва Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Биринчи клиникаси фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабрдаги 8н-р/671-сон хулосаси). Олинган натижалар яхши ва қониқарли даволаш натижалари фоизини 20,5% ва 35,8% га ошириш, қониқарсиз даволаш натижалари билан касалланганлар сонини 28,1% га камайтириш ва беморларнинг асосий гуруҳида ўлимга олиб келадиган ҳолатларнинг олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 125 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ушбу тадқиқотнинг республика фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жароҳатлар ва жароҳат инфекциялари уларнинг кечиши, патогенези ва даволаниш тамойиллари ҳақида замонавий даволаш тўғрисидаги ғояларнинг ривожланиши”** (адабиётлар шарҳи) деб номланган биринчи бобида қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини маҳаллий даволаш усуллари қўллашдаги ҳал қилинмаган муаммолар, септик асоратларнинг учраш частотаси ва табиати ва даволашнинг қониқарсиз натижалари бўйича адабиётлар шарҳи тақдим этилган, шунингдек жараённинг генерализацияланиши билан боғлиқ, яллиғланишни қўлловчи цитокинлар ва яллиғланиш жараёнининг маркерлари ҳақидаги замонавий маълумотлар келтирилган. Қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини маҳаллий даволаш усулини танлашда яллиғланишни қўлловчи цитокинлар ва инфекциянинг генерализацияланишининг башоратчилари, планиметрик ва бошқа объектив маълумотларнинг роли ва ўрни бўйича мақсадли тадқиқотлар, адабиётларнинг маълумотларига кўра, ўтказилмаганлиги тўғрисида хулоса шакллантирилган. Қандли диабет фонида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясининг патогенезидаги ушбу жиҳатларнинг ошқор қилиниши беморларнинг ушбу контингентини даволаш натижаларини яхшилаши асосланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида қандли диабет касаллиги фонида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекцияси билан касалланган 246 нафар беморни 2011-2022 йилларда Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникасида комплекс текшириш ва даволаш натижалари таҳлил қилинган. Маҳаллий даволаш усуллари самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш мақсадида барча беморлар 2 гуруҳга

бўлинган: назорат гуруҳи, 2011 йилдан 2016 йилгача клиникада даволанган ва текширилган 118 (48%) нафар беморлар; асосий гуруҳ, 2017 йилдан 2022 йилгача клиникада даволанган ва текширилган 128(52%) нафар беморлар.

Назорат ва асосий гуруҳлар бир-биридан фарқ қилган бўлиб, беморларнинг назорат гуруҳида маҳаллий даволаш усулларининг вариантлари гиперосмоляр сувда эрувчан малҳам (Левомекол) дан фойдаланишга қаратилган ва асосий гуруҳда-дорилар гуруҳларини (Офломелид, Сулфаргин ва Altrazeal), ишлаб чиқилган услуб бўйича ва даволаш-ташҳисот алгоритми асосида ишлаб чиқилган жароҳат жараёни босқичини объектив ташҳислаш асосида дифференцирланган ҳолда қўлланган.

Беморларнинг асосий контингенти (52,8%) 41 ёшдан 60 ёшгача бўлган, яъни энг меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморлар ташкил этган. Эркак жинсига мансуб беморлар устунлик қилган (54,5%). Жароҳат инфекцияси асосан муччаларда локализацияланган (45,5%). Назорат гуруҳидаги ва асосий гуруҳдаги барча беморларда клиникага ётқизилганда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми белгилари бўлган. Беморларнинг аксарияти тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг учта белгиси бўлган беморлардан ташкил топган (59 бемор – 48,0%).

Тажрибавий тадқиқотлар 180-280 г оғирликдаги 280 та зотсиз етук ёшдаги, ҳар иккала жинсдаги касалликнинг ташқи белгилари бўлмаган оқ каламушларда, виварий шароитида 21 кунлик карантинда сақланганидан сўнг олиб борилган. Барча ҳайвонлар 3 та катта гуруҳга ва стандарт тажрибавий сериялардан иборат 3 та кичик гуруҳга бўлинган. Шунга мос ҳолда, ҳар бир тажриба серияси патологик жараённинг маълум бир моделига тўғри келган ва I дан V гача бўлган Рим рақамлари билан рақамланган. Тажрибаларнинг I-гуруҳи – назорат, юмшоқ тўқималарга юқумли агент киритилмаган жароҳат жараёни бўлган ҳайвонлардан иборат бўлган. Тажрибаларнинг II-гуруҳи қиёсий -1, юмшоқ тўқималарга юқумли агентни киритиш билан жароҳат жараённинг кечиши бўлган ҳайвонлардан иборат бўлган. Тажрибаларнинг III гуруҳи-қиёсий-2, юмшоқ тўқималарга юқумли агентни киритиш билан жароҳат жараёни бўлган ҳайвонлардан иборат бўлиб, кейинчалик тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланган. Тажрибаларнинг IV серияси - асосий, юмшоқ тўқималарга юқумли агентни киритиш билан жароҳат жараёни давом этувчи ҳайвонлардан иборат бўлиб, кейинчалик диабетик микроангиопатия билан қандли диабет фонида тизимли яллиғланиш синдроми ривожланган.

Йирингли-яллиғланиш жараёни натижасида тўқималарнинг зарарланиш чуқурлиги D.H.Ahrenholz таснифи бўйича, тарқалиши эса - С.В. Горюнов таснифи бўйича баҳоланган. Йирингли ўчоқни жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг, жароҳат жараённинг кечишини Л.Н.Попова усули бўйича аниқлаш орқали амалга оширилган: жароҳат майдони, жароҳат майдонининг камайиш фоизи ва жароҳатнинг тузалиш тезлиги аниқланган. Септик асоратларнинг мавжудлиги Чикаго келишув конференцияси томонидан таклиф қилинган мезонлар асосида аниқланган. Қон зардобидаги цитокинларнинг (IL-1B, IL-6, TNF-α) концентрацияси «Цитокин» МЧЖ

(Россия) томонидан ишлаб чиқарилган тест-тизимининг реагентлари ёрдамида каттик фазали иммунофермент усули ёрдамида аниқланган. Морфометрик кўрсаткичлар куйидагилар: дерма томирларининг ва грануляция томирларининг стромал шиш майдонлари; дермал ва грануляция томирлари диаметри; жароҳатдаги фибробластлар, гранулоцитлар, лимфоцитлар ва макрофаглар сони бўлган. Лаборатория ҳайвонларини ўрганиш йирингли ўчоқни жарроҳлик йўли билан тозалашдан сўнг 1, 3, 7, 14 ва 28 кунларда ўтказилган.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel-2016 дастурий таъминот пакетидан фойдаланган ҳолда статистик ишлов берилган, шу жумладан статистик ишлов беришнинг ва Windows учун BioStat (2007 йил версияси) ўрнатилган функциялари қўлланилган. Параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усуллари ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик кўрсаткичини, ўртача квадратик оғишини, ўртачанинг стандарт хатосини, нисбий қийматларни, ўртача миқдорий қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамиятлилигини ҳисоблашда, Стьюдентнинг параметрик критерийлари тақсимотнинг меъёрлилигини ва генерал дисперсияларнинг тенглигини текширишда хато эҳтимолини ҳисоблаш амалга оширилган. Ишлаб чиқилган башоратли ва ташҳисот мезонларининг самарадорлиги уларнинг сезгирлиги ва спецификлиги кўрсаткичларига асосан аниқланган.

Диссертациянинг **“Қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини анъанавий даволаш усулларининг натижалари таҳлили”** деб номланган учинчи боби қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини даволашнинг анъанавий усуллари натижаларини таҳлил қилишга бағишланган. Назорат гуруҳининг қандли диабет билан оғриган беморларида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат жараёнининг тавсифи келтирилган. Назорат гуруҳининг қандли диабет билан касалланган беморларида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат жараёнининг клиник-лаборатор тавсифи тақдим этилган.

Қандли диабет фонида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекцияси бўлган беморларнинг назорат гуруҳида даволаш натижаларини аналитик баҳолаш амалга оширилган. Қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини даволашнинг анъанавий усулларини қўллаш жараёнида 47,2% ҳолатларда жароҳатнинг тузалишига фақатгина кўп марталик такрорий некрэктомия, сўнгра пластик жарроҳлик амалиётидан сўнг эришилган, 15,1% ҳолатларда эса йирингли ўчоқни ҳатто такрорий жарроҳлик ишлов берилишидан сўнг ҳам, жароҳатдаги яллиғланиш жараёни қиёсланадиган даврда сақланиб қолган деган хулосага келинган. Беморларнинг атига 32,1% иш қобилияти тикланган, беморларнинг 13,2 % да эса-фақатгина қисман тикланган. Бунда 2 (3,8%) беморда иш

қобилияти, афсуски, бутунлай, ҳаттоки ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ҳам йўқотилган. Беморларнинг назорат гуруҳида ўлим 10,2% ни ташкил этган. Беморларнинг назорат гуруҳида ўлимнинг асосий сабаблари қуйидагилар бўлган: беморларнинг кекса ёши ($67,8 \pm 12,3$ ёш), қандли диабет ва унинг асоратлари бўйича 10 йилдан ортиқ тажриба, катта майдон ва чуқурликдаги юмшоқ тўқималарнинг йирингли яллиғланиш жараёни ($1329,5 \pm 184,7$ см² ва III-IV даража) ва жароҳат инфекциясининг полиорганли дисфункция ёки етишмовчилик билан септик шок ва оғир сепсис кўринишидаги шаклидаги асоратлари ривожланишининг юқори частотаси бўлган. Қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини даволашнинг анъанавий ёндашуви, қонқарсиз даволаш натижаларининг бутун улушини аниқлайдиган бир қатор омилларга эга. Афсуски, кўпчилик ҳолатларда беморларнинг назорат гуруҳида бундай ҳолатлар бўлган.

Қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини маҳаллий даволаш сифатида қўлланиладиган стандарт ёндашув бир қатор фундаментал позицияларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Маълумки, қандли диабет билан оғирган беморларда юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш жараёни янада оғирроқ шаклда кечади ва инфекциянинг генерализацияланиши билан кўпинча жараёни оғирлаштиради. Аммо ушбу ҳолатда, бу постулатни «нуксонли халка» жабҳасидан кўриб чиқиш зарур, бу даволашнинг ижобий натижаларига эришишни мураккаблаштирувчи шароитларни яратади ва бу ерда диабетнинг ўзининг мавжудлигига эмас, балки унинг диабетик ангиопатия кўринишидаги асоратига эътибор қаратиш зарур, бу жароҳат жараёнининг «чўзилувчан» табиатида асосий омил ҳисобланади. Жароҳат жараёнининг морфологик кўринишидаги ўзгаришларнинг табиатини, айниқса генерализацияланган инфекция белгилари мавжуд бўлса ўрганиш талаб қилинади.

Шу билан бир қаторда, сўнгги йилларда олимларнинг эътибори қондаги бир қатор яллиғланишни қўлловчи цитокинлар даражасининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларнинг қийматига тобора кўпроқ жалб қилинмоқда, бу тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг ривожланиш интенсивлигини тавсифлайди. Албатта, диабетик ангиопатия ва юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касаллигининг оғир шакли мавжуд бўлганда, бу масалани ўрганиш жароҳат жараёнининг кечиши динамикасида клиник ва патоморфологик ўзгаришлар ўртасидаги ўзига хос «туташув нуқталарини» аниқлашга имкон берган.

Диссертациянинг **“Жароҳат жараёни фазалари бўйича ташҳисот мезонларининг самарадорлигини ишлаб чиқиш ва тажрибада асослаш”** деб номланган тўртинчи боби жароҳат жараёни босқичларининг ташҳисот мезонларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини тажрибавий асослашга бағишланган. Жароҳат инфекциясини тажрибавий моделлаштиришнинг турли хил вариантларида жароҳат жараёни динамикасининг клиник-лаборатор хусусиятлари тавсифланган. Жароҳат инфекциясининг турли хил

вариантларида жароҳат жараёнининг морфологик ва морфометрик хусусиятлари тақдим этилган. Қандли диабет фонида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясининг босқичларини ташхислашнинг янги усулини ишлаб чиқиш ва ишончлилигини асослашнинг асосий жиҳатлари очиб берилган.


Жароҳат жараёнининг морфологик кўриниши шуни кўрсатганки, I-тажрибалар серияси инфекцияни провокациянинг йўқлиги билан ажралиб турган. Тажрибаларнинг асосий сериясида периферик тўқималарнинг шиши жарроҳликдан кейинги даврнинг $9,8 \pm 1,3$ кунигача ($p < 0,05$) давом этган. Жароҳатнинг некротик тўқималардан тозаланиши фақатгина $13,8 \pm 4,3$ кун ичида содир бўлган ($p < 0,05$), бу, албатта, тажрибаларнинг назорат серияси билан таққосланмайди. Жароҳатда грануляция назорат гуруҳига қараганда $16 \pm 2,6$ кунга кечроқ пайдо бўлган ($p < 0,05$). Шунга мос ҳолда, жароҳатнинг маргинал эпителизациясининг бошланиши фақатгина операциядан кейинги даврнинг $25,9 \pm 3,7$ кунда ($p < 0,05$) қайд этилган.

Жароҳат инфекциясининг ривожланиш динамикасида барча ҳайвонларнинг жароҳатини микробиологик текшируви шуни кўрсатганки, экспериментал тажрибаларнинг I-кунда микроорганизмларнинг сони ўртача энг юқори - $68,6 \times 10^7$ КХҚЕ/мл бўлган. Тажрибалар динамикасида, тадқиқотнинг 14-кунда, микроорганизмларнинг сонида ҳам, уларнинг колонияларида ҳам бу кўрсаткичнинг 2 бараварга камайиши қайд этилган. Шуниси эътиборга лойиқки, ҳатто кузатувнинг 28-кунда тажрибаларнинг IV-сериясидаги ҳайвонлар жароҳатининг микробли ифлосланиши ҳали ҳам юқори бўлиб қолган, бу ўртача кўрсаткичдан (3,5 баравар) ва бошқа барча кўрсаткичлар қиёсий (мос равишда II гуруҳга нисбатан 27,8 бараварга ва III гуруҳга нисбатан 10,4 бараварга) ва назорат (14 кунлик тажрибалар билан таққослаганда) гуруҳлар кўрсаткичлардан юқори бўлган ($p < 0,05$). Шунингдек, жароҳатнинг микробли ифлосланиш даражаларининг сонига ҳам эътибор қаратиш лозим. 10^7 - 10^8 КХҚЕ/мл даражасидаги максимал миқдор III ва IV тажрибалар сериясида, яъни яллиғланиш жараёнининг септик кечиши модели бўлган ҳайвонларда қайд этилган (1-расм).

Жароҳат инфекциясининг турли тажрибавий моделлари бўлган ҳайвонларда яллиғланишни қўлловчи цитокинлар даражасидаги ўзгаришлар динамикасини қиёсий баҳолаш, яллиғланиш жараёнининг тури ва давомийлигини фарқлаш мезонлари сифатида ушбу кўрсаткичларнинг муҳим ролини аниқлаш имконини берган.

Қандли диабет фонида жароҳат инфекциясини моделлаштириш ва тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми кўринишидаги асоратлар нафақат ушбу кўрсаткичларнинг рақамли ўзгаришига, балки уларнинг дисперсиясини қайта тақсимланиш хусусиятига ҳам таъсир кўрсатган. Бу патологик жараёни моделлаштириш учун танланган вариантларнинг ишонарлилигини ва жароҳат жараёнининг йирингли-септик асоратларини башорат қилишда ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиш имкониятини кўрсатган. Жароҳатнинг кечиши ва жароҳат инфекциясининг морфологик кўринишини тавсифловчи кўрсаткичларнинг ўртача қиймати, назорат, қиёсий ва асосий гуруҳлар

Ўртасидаги кўрсаткичларнинг кумуляцияланишида ўзгаришларнинг турличалигини аниқлаган.



1-расм. Жароҳатда микроорганизмлар концентрацияси ва жароҳатнинг септик асоратларининг нисбий ўзгариш динамикаси

Шунга қарамасдан, жарроҳликдан кейинги давр динамикасида жароҳат суртмаларининг ҳужайравий таркибини баҳолашда, жарроҳликдан кейинги даврнинг 1-кунида, ўрганилган умумий ҳажмнинг ярмидан кўпини ташкил этган гранулоцитларнинг сонининг ушбу муддатда устунлигини таъкидлаш мумкин. Ушбу кўрсаткич динамикасини нишонли ўрганиш жарроҳликдан кейинги даврнинг 3-кунидан бошлаб унинг сонининг камайишини акс эттирган ва 7-кунидан бошлаб бу ўзгариш ишонарли қийматга эга бўла бошлаган. Лимфоцитлар даражаси умумий қийматнинг ишонарли бўлмаган ўзгариши билан тавсифланган, ва фақатгина жарроҳликдан кейинги даврнинг 28-кунида текширувларнинг 1-кунига нисбатан 1,4 бараварга камайиб ишонарли қийматларга етган ($p < 0,05$). Фибробластларга нисбатан тажрибаларнинг назорат сериясидаги энг юқори қиймат жарроҳликдан кейинги даврнинг 14 –кунида, гранулоцитларга нисбатан эса 3-кунига тўғри келган. Ушбу фонда шу сериядаги ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларнинг барча даврларида лимфоцитлар ва макрофаглар сонининг тобора камайиши ўрин олган.

Тажрибаларнинг асосий сериясидаги гуруҳи умуман олганда ҳам, жарроҳликдан кейинги эрта даврда ҳам фибробластлар, лимфоцитлар ва айниқса макрофаглар сонининг депрессив қиймати билан ажралиб турган. Жарроҳликдан кейинги даврнинг 1-даги фибробластлар даражаси асосий тажрибалар сериясида назорат қийматларидан $1,5 \pm 0,2$ бараварга паст бўлган

($p < 0,05$). Бунда 14-кунида (тажрибаларнинг назорат сериясининг кузатувининг якуний муддати) асосий тажрибалар сериясида жароҳат инфилтратидаги фибробластлар даражаси $1,7 \pm 0,3$ бараварга паст бўлган ($p < 0,05$). Гранулоцитлар даражасидаги ўзгаришларни баҳолашда кўрсаткичлар микдорининг камайишида худди шундай динамика кузатилганлигини таъкидлаш зарур. Бир қатор тажрибаларнинг мос муддатларини таққослаганда, пасайиш деярли бир хил нисбатда қайд этилган ($1,1 \pm 0,3\%$; $p < 0,05$). Бироқ, фоиз нисбатида, тадқиқотларнинг 14-кунида асосий тажрибалар сериясидаги гранулоцитлар сони назорат қийматларидан $25,3 \pm 2,5\%$ га юқори бўлган ($p < 0,05$). Тадқиқотнинг 28-кунига қадар тажрибаларнинг назорат сериясида жароҳатнинг деярли ёпилиши сабабли, асосий гуруҳни II ва III сериядаги тажрибалар билан таққослаш амалга оширилган. Бунда тажрибаларнинг 28-кунида гранулоцитлар даражаси мос равишда $38,9 \pm 7,8\%$ га ($p < 0,05$) ва $11,9 \pm 0,95\%$ га ($p < 0,05$) ошган. Умуман олганда, асосий тажрибалар сериясида гранулоцитлар даражаси II серияга яқин бўлган. Фарқи аҳамиятли бўлмаган, бу ушбу гуруҳлар орасидаги патологик жараёнларнинг ўхшашлигини кўрсатган.

Турли гуруҳ ҳайвонларда жароҳат биоптатларини ўртача қийматда морфометрик текшириш шуни кўрсатдики, стромал шиш жарроҳликдан кейинги даврнинг эрта муддатларидан бошлаб энг кўп камайган ва 28-кунга келиб минимал қийматига етган (мос равишда $20,2 \pm 3,8\%$ дан $9,6 \pm 1,7\%$ гача; $p < 0,05$). Бунда, ушбу кўрсаткичнинг $2,1 \pm 0,4$ бараварга пасайиши қайд этилган ($p < 0,05$). Дерма томирларининг майдони (шунингдек, уларнинг диаметри) тажрибавий тадқиқотларнинг 28-кунида (деярли 2,5 бараварга) камайган. Грануляция томирларнинг майдони ва уларнинг диаметри ишонарли даражада ошган (мос равишда $11,8 \pm 2,4$ бараварга ($p < 0,05$) ва $3,3 \pm 0,8$ бараварга; $p < 0,05$).

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу кўрсаткичлар тадқиқотларнинг 3-кунидан бошлаб сезиларли даражада ўзгарган бўлса, аввалги ҳолатда бундай ўзгаришлар фақатгина жарроҳликдан кейинги даврнинг 28-кунида қайд этилган. Тажрибаларнинг асосий сериясида, кичик гуруҳнинг ўзида, фақат дерма томирлари майдонининг ҳажмига нисбатан ишонарли ўзгаришлар кузатилган. Жарроҳликдан кейинги даврнинг 28-кунида (2,5 мартага) ушбу кўрсаткичнинг кузатувларнинг 1-кунига нисбатан прогрессив пасайиши кузатилган. Морфометрик кўринишнинг бошқа кўрсаткичларига кўра, гуруҳ ичидаги кўринишга нисбатан ишонарли ўзгаришлар қайд этилмаган. Морфометрик тадқиқот қандли диабетнинг тажрибавий моделининг жароҳат инфекциясининг чўзилувчан табиатидаги ролини тасдиқлаган. Ушбу жараёнда муҳим ролни диабетик ангиопатия мавжудлиги ва албатта, тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми фонида тананинг ҳимоя хусусиятларининг дастлабки пасайиши билан боғлиқ бўлиши керак.

Планаметрик тадқиқотлар шуни кўрсатганки, тадқиқотлар динамикасида майдоннинг ўртача қиймати $333,0 \pm 1,5$ мм² дан $131,9 \pm 0,9$ мм² гача ($p < 0,05$) сезиларли даражада камайган. Жароҳат майдонининг қисқаришининг прогресси кузатувларнинг 14-кунида қайд этилган (1-кун билан солиштирганда 1,7 бараварга). Шуниси эътиборга моликки, Жароҳат

майдонининг улуши 1-кунида $0,8 \pm 0,09\%$ ни ташкил этган, тажрибаларнинг 28-кунида $68,9 \pm 1,1\%$ гача ошган ($p < 0,05$). Жароҳатнинг битиш даражаси ўртача кунига $2 \pm 0,1\%$ ни ташкил этган. Бунда ушбу кўрсаткичнинг энг юқори қиймати тажрибавий тадқиқотларнинг 14-кунига тўғри келган (кунига $5,2 \pm 1,2\%$; $p < 0,05$). Тажрибавий тадқиқотларнинг 28-кунида жароҳатнинг тузалиш даражаси кунига $1,5 \pm 0,5\%$ ни ташкил этган бўлсада, шунга қарамасдан, бу жароҳат жараёнининг 3-кунига нисбатан секинроқ бўлган (кунига $1,7 \pm 0,4\%$; $p < 0,05$). Шунини таъкидлаш керакки, тажрибаларнинг назорат ва қиёсий гуруҳларига жароҳатнинг тузалиш тезлигининг ошиши 14-кунлик тажрибавий тадқиқотлардан бошлаб характерли бўлган (кунига $5,4 \pm 1,1\%$ дан $7,6 \pm 0,9\%$ гача; $p < 0,05$). Шу билан бирга, тажрибаларнинг асосий сериясидаги бу кўрсаткич ўтказилган тадқиқотларнинг барча даврларида кунига $0,6 \pm 0,03\%$ дан ошмаган. IV қатор тажрибаларида жароҳат майдонининг қисқариш фоизи $31,7 \pm 1,3$ бараварга кўпайган, жароҳат юзасининг ўз майдони эса ҳаммаси бўлиб $57,3 \pm 1,2$ мм² мм га камайган, бу жароҳат юзасининг дастлабки қийматига нисбатан $12,7 \pm 0,8\%$ ни ташкил этган ($p < 0,05$).

Қандли диабет фонида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат жараёнининг ташҳисот босқичини ҳисоблаш учун мақбул модел танланган. Ишлаб чиқилган математик модел «қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат жараёнининг босқичини ташҳислаш усули» дастурий модулига асос бўлган (DGU №18343 04.08.2022й.). Бу жароҳат жараёнининг босқичини ташҳислаш, ушбу патологик жараённинг генерализациялаш эҳтимолини башорат қилиш имконини беради ва жароҳат инфекциясини маҳаллий даволашнинг оптимал усулини танлашда мезон сифатида фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг **“Қандли диабет билан касалланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини маҳаллий даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва самарадорлигини қиёсий баҳолаш”** деб номланган бешинчи боби қандли диабет билан оғриган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини маҳаллий даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва самарадорлигини қиёсий баҳолашга бағишланган. Қандли диабет фонида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми билан асоратланган жароҳат инфекциясини маҳаллий даволаш учун даволаш-ташҳисот алгоритминини ишлаб чиқиш ва тажрибавий асослаш тўғрисида маълумотлар келтирилган ва уни қўллаш самарадорлигини қиёсий баҳолаб берилган.

Жароҳат инфекциясини маҳаллий даволашнинг асосий воситаси сифатида водород пероксидининг 3% ли эритмаси ишлатилган бир қатор тажрибавий тадқиқотларда жароҳат жараёнининг энг хавфли I ва II босқичларининг чўзилиши туфайли унинг номувофиқлиги исботланган. Шу билан бирга, ҳайвонларда маҳаллий даволашнинг базавий усули сифатида офломелидни қўллаш, жароҳат инфекциясининг тажрибавий моделларининг турли хил вариантларида, жароҳат жараёнининг I-босқичининг муддатларининг кескин қисқаришига олиб келган. Офломелидни қўллаш

жароҳат жараёнининг кечишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатган, ҳам барча даврлар учун ўртача кунлар сонини камайтирган ҳам ижобий динамикага танлаб таъсир қилган, ва IV серияли тажриба ҳайвонлари ($17,5 \pm 2,4$ кун) Офломелиддан фойдаланиш давомийлиги бўйича сезиларли фарқ билан етакчи бўлганлигига қарамасдан, бу даволаш усули яллиғланиш жараёнининг генерализацияланишисиз ҳайвонлар гуруҳидан кам бўлмаган. Шунингдек жароҳат жараёнининг I-босқичида ушбу препаратнинг юқори самарадорлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Сулфаргинни жароҳат инфекциясини маҳаллий даволашнинг асосий усули сифатида қўллаш Офломелиддан фойдаланиш хронологияси билан ишонарли тарзда бир хил бўлган. Ушбу препаратнинг ижобий таъсири, жароҳат инфекциясини маҳаллий даволаш воситаси сифатида, аввалги тажрибалар гуруҳидан фарқли ўлароқ, жароҳат жараёнининг кечишининг II босқичида фойдаланишда самаралироқ бўлган. Бу кунларнинг ўртача қийматининг пасайишида ва бир қатор тажрибалар кесимида аниқланган. Жароҳат жараёнининг кечишининг III босқичида жароҳат инфекциясини маҳаллий даволашнинг ушбу усули бирор-бир ўзига хосликни кўрсатмаган ва I босқичга, айниқса II босқичга қараганда паст самарали таъсир кўрсатган.


